

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Самарқанд давлат чет тиллар
институтининг ректори



И. Тухтасинов

2018 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

Академик лицей директори



З.Кузиев

« » 2018 йил

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИНИНГ ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРИ
УЧУН “РЕКТОР СТИПЕНДИЯСИ”НИ ТАЙИНЛАШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

Самарқанд -2018 йил

**СамДЧТИ академик лицейининг иқтидорли ўқувчилари учун
стипендия тайинлаш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-555-сон Фармони ва 2017 йил 26 сентябрдаги «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3290-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 226-сонли қарорига мувофиқ қобилятли ёшларни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, уларни фаол яратувчилик фаолиятига кенг жалб этиш, иқтидорли ўқувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб тақдирлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3290-сон «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейи учун тадбиқ этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3290-сон «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан Самарқанд давлат чет тиллар институти раҳбарияти институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов-контракт миқдорининг оширилган қисми) ҳисобидан академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳуқуқига эга.

**2-боб. Иқтидорли ўқувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш ва
стипендиялар тайинлаш**

1. Академик лицейда таҳсил олувчи иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларни моддий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш илмий педагогик кенгаш қарори асосида академик лицей директорининг буйруғи билан тузилган махсус Ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

2. Ишчи гуруҳи академик лицейнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари, касаба уюшмаси, хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари билан иборат ҳолатда тузилади.

Зарур ҳолларда Ишчи гуруҳига олий таълим муассасасининг тажрибали профессор-ўқитувчилари, соҳа мутахассислари ва маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари жалб этилиши мумкин.

3. Академик лицейнинг барча фанларини чуқур ўзлаштирган, икtidорли ўқувчилардан ректор стипендиясига номзодларни саралаш танловлар шаклида амалга оширилади.

4. Стипендия олувчи ўқувчилар сони ишчи гуруҳи томонидан белгиланади.

5. Институт кенгаши стипендиясига номзодларни саралаш танловлар шаклида амалга оширилади.

6. Ишчи гуруҳи томонидан институт кенгаши стипендиясига танловда иштирок этиш номзодлардан аризалар ҳар йили 20 августдан – 30 августга қадар қабул қилинади.

Танловда иштирок этиш учун Ишчи гуруҳга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- рейтинг дафтарчаси нусхаси (ўқув бўлими томонидан тасдиқланган ҳолда);
- кафедра тавсияномаси;
- кўрик-танловлардаги иштироки ва эришган ютуқлари рўйхати (тасдиқловчи ҳужжатлари билан бирга);
- тегишли кафедранинг суҳбат яқунлари бўйича хулосаси.

Барча ҳужжатлар жилдга тикилган ёки папкага жойланган ҳолда тақдим этилади. Муқовада талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, йўналиши, курси, гуруҳи кўрсатилади.

Қабул қилинган аризалар асосида ҳар йили 5 сентябрдан – 15 сентябргача номзодларни саралаш синовлари ўтказилади.

Номзодларни саралаш жараёнида ўқувчиларнинг ўтган ўқув йилидаги ўқиш фаолияти ҳамда турли хил кўрик-танловларда эришган ютуқларига алоҳида эътибор қаратилади.

7. Институт стипендияларини тайинлаш учун қуйидаги мезонларни бажариш белгиланади:

- ўқув режасидаги барча фанлардан “аъло” баҳоларга ўқиши;
- хулқи, одоби, маънавий-ахлоқий тарбияси намунали бўлиши;
- академик лицейнинг маънавий-маърифий ва жамоат ишларида фаол иштирок этиши;
- тилларни – давлат тилини ва битта хорижий (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари давлат тилларидан ташқари) тилни билиши;
- илмий (ижодий) ишларда, семинар, конференцияларда фаол иштирок этиши;
- Ўзбекистон тарихини билиши, ижтимоий-сиёсий янгиликлардан хабардор бўлиши;
- Ахборот-коммуникацион технологиялар ва интернет тармоғидан фойдаланишни билиши;

Талабгорлар чет тиллари бўйича билимларини аниқлаш учун академик лицейдаги хорижий тиллар кафедраларида махсус суҳбатдан ўтадилар.

8. Ишчи гуруҳ ўз фаолияти натижалари бўйича академик лицей илмий педагогик кенгашига стипендияга номзодларни тавсия этади.

9. Стипендияни тайинлаш учун номзодларни кўрсатиш академик лицей педагогик кенгаши томонидан, талабгорларнинг ўқув ва маънавий-маърифий фаолиятларини кенг муҳокама қилиш асосида амалга оширилади.

Илмий-педагогик кенгаш аъзоларининг яширин овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қарор қабул қиладилар.

Қабул қилинган қарор асосида номзод тегишли тартибда институт Кенгашига стипендия тайинлаш учун тавсия қилинади.

Институт Кенгаши иқтидорли ўқувчиларга стипендияларини тайинлаш ҳақидаги тавсияномаларни йилига бир марта кўриб чиқади. Институт кенгаши томонидан 10 кунлик муддатда, яъни 15 – 25 сентябрь кунига қадар кўриб чиқилади.

Институт Кенгашининг қарори ўқувчиларга стипендияларни тайинлаш ва тўлаш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштириши учун асос бўлади.

Стипендия 1 сентябрдан бошлаб, бир йил муддатга, белгиланган миқдорга қатъий мувофиқ ҳолда тайинланади. Стипендияларни янги муддатга қайтадан тайинлаш ҳам айнан шу тартибда амалга оширилади.

Стипендиялар олий таълим муассасаси талабаси стипендиясининг 30-50% миқдорида институт Кенгаши қарори ва ректор буйруғи асосида белгиланади.

Иқтидорли ўқувчилар учун стипендияларга сазовор бўлган ўқувчиларга “Институт Кенгаши стипендияси соҳиби” гувоҳномаси берилади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

3. Ўқувчиларни кундалик дарсларни ўзлаштирмаганлик, ўқув интизомини ва одоб-ахлоқни бузганлик учун ўқув йили мобайнида стипендиялардан маҳрум қилиш академик лицей тақдимномасига биноан тегишли олий таълим муассасалари буйруқлари билан амалга оширилиши мумкин.

4. Ўқувчиларнинг стипендияларини тайинлаш бўйича ариза ва шикоятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.